O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 21 APREL ◆ SHANBA ◆ № 47 (26.749)

МИЛЛАТ ЁШЛАРИ

## МАРКАЗНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ

Сир эмас, бугун ривожланган давлатларда «даҳо»ларга нисбатан эҳтиёж кучли. Хусусан, Америка дунё миқёсидаги барча илғор ақлларни тўплаш ва улардан самарали фойдаланиш учун мукаммал дастур асосида иш олиб бормоқда. Сўнгги пайтларда, айниқса, компьютер «даҳо»лари, иқтидорли химиклар, физиклар ривожланган мамлакат учун сув ва ҳаводек зарур.

Чуқур назар ташласак, бундай ноёб қобилиятларнинг мамлакат иқтисоди, тараққиётидаги зарурий ўрнига гувоҳ бўламиз. Тараққиёт бугун фақат илғорликни, янгиликни, биринчиликни тан олаяпти. Бу хусусиятлар кўпроқ индивидуал характерга эга. Ҳар бир кашфиёт, олдинга ташланган бир қадам, рақобатчилардан ўзиш, ўз шарт-шароитларини мустаҳкамлашга олиб келади. Бундан ташқари саноатнинг ҳар қандай соҳаси, ҳатто қишлоқ хўжалиги ҳам тобора янги кашфиётларга суяниб қолмоқда.

Шу фурсатда республика Давлат тест марказида йўлга қўйилаётган бир ташаббус ўзининг стратегик аҳамияти билан диққатни жалб этади. Республикамизнинг турли ҳудудларида яшаётган ноёб иқтидор эгаларини жалб этишга қаратилган бу тизим масофадан туриб компьютер синови орқали ёш иқтидорлиларни аниқлайди. Энг муҳими бу қобилиятнинг такомиллашишига имкон яратади. Мулоҳаза қилинса, ноёб истеъдодга эга физик ёки кимёгарларни кашф этиш, улардан самарали фойдаланиш мамлакатга улкан бир ташкилотдан, катта қўшиндан кўра кўпроқ фойда келтириши мумкин. Таълим жараёнидаги бундай янгилик эса бизга бундай иқтидорлилардан ўнлаб, юзлаб тарбиялаш мумкинлигини кўрсатиб беради. Марказ директори Муҳсинжон Муҳитдиновнинг сўзларига кўра, бу имкониятдан самарали фойдаланиш, кўзланган стратегик мақсадларга эришиш тест тизимига қандай масъулият билан ёндошишга боғлиқ. Бу ёш қобилиятларни кашф этиш, рағбатлантириш орқали мамлакат тараққиётига улкан ҳисса қўшиш мумкинлигини рад этиб бўлмайди.

Умуман, ёшлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг салоҳиятларини аниқлаш ва ривожлантиришда тест марказида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳақда марказ директори қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

Бугун қайси бир соҳани олиб қараманг, янгиланиш мавжуд, янгича иш услубига ўтилмоқда. Саноатда, ишлаб чиқаришда, илм-фанда ҳам илғор замонавий тажрибаларга асосланади. Бир сўз билан айтганда, миллатимиз тараққиёти бугун биз ёшларимизга нечоғлик ишонч билдиришимиз, уларга ўзларини ҳар қандай соҳада намоён этишларига имконият яратиб беришимизга боғлиқдир.

Маълумки, Президентимизнинг ёшларга бўлган ишончи, эътибори жуда жиддий. Буни тест синовининг республикамизда жорий этилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Ривожланишга аввало кадрлар сифати ва таълим соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар орқали эришилади. Шу мақсадда давлат раҳбари ташаббуси билан таълимдаги ижтимоий адолат кафолати бўлмиш тест синов усули жорий этилди. Ёдингизда бўлса, ўша пайтларда бу синов усулига эътироз билдирганлар ҳам топилганди. Аммо бугун барчамиз бу қарор узоқни ўйлаб, стратегик мақсадларни кўзлаб амалга оширилган самарали режа эканлигига шоҳид бўлиб турибмиз. Бугунги ёшлар шижоати шундан далолат беради. Улар қалбида адолатга бўлган ишонч туғилди. Ўқиб-ўрганса, тайёргарлик кўрса, мақсадга эришиши мумкинлигини билишади.

Ёшларимиздаги бу ишончни шу нарсадан ҳам билиш мумкин: тест синовлари асосида талабаликка қабул қилинаётганларнинг деярли қирқ фоиздан кўпроғи олдинги йили ҳужжат топшириб, синовдан ўтолмаган ёшлар. Демак, улар адолат тантанасига ишонишади. Одатда ёшлар адолатсизликка нисбатан ўта муросасиз бўлишади. Бироқ интилишлари самарали эканлигини сезишса юксак юяга бўлган эътиқодлари янада кучаяди. Булар аниқ мақсадни кўзлаган, иродали ёшларимиздир.

Биз ёшларимизнинг интилишлари, изланишлари учун ўрнак бўладиган қаҳрамонларни фақатгина ўтмишдан қидиришимиз лозим эмас. Шуни ишонч билан айтишим керакки, бугунги ёш авлод орасида ўрнак бўлар-ли қаҳрамонлар кўплаб топилади. Фақат уларнинг шу фидойиликларини ривожлантира билиш зарур. Бунга жонли мисол келтириб ўтсам.

Биз 1996 йилдан бошлаб кўп вариантли тест тизимига ўтдик. Яъни ҳар бир йўналишда, мутахассисликка, ҳар бир абитуриентга алоҳида тест саволларидан иборат вариантлар тузиш керак. Агар буни ривожланган мамлакатлардаги синовларга солиштирадиган бўлсак, ҳаммаси маълум бўлади. Уларда битта вариантни типографияда кўпайтириб, ҳаммага бир хил равишда тарқатилади. Бизда, агар ҳар йили 300 мингга яқин абитуриент ҳужжат топширадиган бўлса, уларнинг ҳар бирига индивидуал равишда тест варианти тайёрланади. Ҳужжатлар топширилиши бошлангандан кейин, икки ой муддатда компьютерда вариантлар тузилиб кўпайтирилгач, минглаб аудиторияларга тақсимланиши лозим. Бу машаққатли ва масъулиятли вазифани ҳам ёшларимиз бажаришади. Бу тизим шундай ташкил қилинганки, бирорта вариант ёки нусха ташқарига чиқиб кетмайди. Энг ҳалол, тоза, меҳнаткаш талабаларни танлов асосида бу ишга жалб этамиз. Қилаётган вазифалари жамият тараққиётида нечоғли аҳамиятли эканлигини англаган талабаларимиз улкан масъулият билан ишлашади. Бу иш жараёнида улар шу ерда тунаб, ҳатто марказ ҳовлисига чиқишга ҳам фурсат тополмай меҳнат қилишади. Баъзан 6-7 соат ўрнига тўрт соатгина ухлаб, яна иш бошлашларига тўғри келади. Улар қаторида тест марказининг ёш мутахассислари кўрсатаётган фидойиликлар ҳам таҳсинга сазовордир. Бу жараённинг ҳаммаси тасвирга туширилган. Икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида бундай фидойилик билан меҳнат қилиш қаҳрамонлик эмасми? Менимча, бу жараёнда ёшларга куч бағишлаб турган нарса — жамият тараққиёти учун муҳим бўлган шундай шарафли вазифани уларга ишониб топширганимизни англашларидир. Худди шу ишонч уларга куч бахш этади, фаоллаштиради.

Президентимиз биз кўпроқ ёшларга таянишимиз, уларга ишонишимиз зарур деганларида, менимча, ёшлардаги шу бегубор фидойиликни, шиддатни, меҳнатсеварликни назарда тутганлар.

Қандай соҳа бўлмасин, биз ёшларимизга шундай масъулиятли вазифаларни ишонч билан топширсак ютқазмаймиз. Чунки улар ҳур фикрлашади, эскича ўйлаш уларнинг табиатига ёт. Қолаверса, бундай ёндошув уларга куч-ғайрат бахш этади.

Умуман мамлакат, давлат тараққиёти биз истаймизми-йўқми ўсиб келаётган ёшлар тарбияси, маънавияти, салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳақиқат Президентимиз томонидан ҳам кўп бор таъкидланган. Шуниси қувончлики, ёшларимиз томонидан бу ҳақиқат тўғри англаняпти. Уларда эркин, ҳур фикр, дунёқараш мавжуд. Биз истаган онг ўзгариши ёшларимизда кўпроқ кузатилаяпти.

■ **Абдумалик БОБОЕВ ёзиб олди**

## ДЎСТОНА УЧРАШУВ

2001 йил 19 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Муваккат ишлари бўйича вакили Юза Петер қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов суҳбат чоғида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг, мамлакатимизда, республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган демократик ислоҳотлардаги иштироки, унинг ва партиянинг парламент фракцияси кўппартиялилик шароитидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмон, ўз навбатида, Словакиянинг ижтимоий ҳаётида сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти, ёш мустақил словак давлатининг қарор топиши ҳақида маълумот берди.

Суҳбат иштирокчилари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада ривожланиб боришига ишонч билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

**Яна бир кундан кейин Тошкентда жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари бошланади**

*Мухлислар бу кунни орзиқиб кутгандилар. Боиси, мамлакатимизда мустақиллик йиллари футболни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш ҳамда оммавийлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Миллионлаб ишқибозларнинг бирдан-бир орзуси бош терма жамоамизнинг жаҳон футбол чемпионати финалига чиқишини кўриш. Бу йўлда қилинаётган барча саъй-ҳаракатларнинг самараси қанчалик бўлишини эса сўзсиз жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари кўрсатиши табиий.*

*Албатта, 2002 йили Осиё қитъасида биринчи марта ўтказиладиган жаҳон футбол анжуманининг илк марта икки мамлакатда уюштирилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бундай шарафга муяссар бўлган Япония, Жанубий Корея мамлакатлари мухлисларининг қувончлари чексиз. Ҳар иккала мамлакатда қизғин ва муросасиз баҳсларга тайёргарлик авжида. Учрашувларни ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий ўйингоҳларни ҳозирлаш, ажойиб меҳмонхоналарни бунёд этиш каби юмушлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жанубий Кореяда Сеул, Даэгу, Гванжу, Дайжеон, Сувон, Улсан каби шаҳарларда минглаб томошабинларга мўлжалланган усти берк ва ярим очиқ ўйингоҳлар бунёд этилмоқда. Айниқса, 2002 йили май ойи охирида жаҳон чемпионатининг очилиш маросими ўтказиладиган «Сангам-донг» марказий ўйингоҳига алоҳида эътибор қилинмоқда. Япония ва Жанубий Кореяда «ОФК-2001» кубоги учун ўтказиладиган мусобақани ҳам ўзига хос синов деса бўлади. 30 май — 10 июнь кунлари ўтказиладиган бу мусобақада «А» гуруҳи бўйича Франция, Мексика, Жанубий Корея, Австралия, «В» гуруҳига кўра Бразилия, Камерун, Канада, Япония терма жамоаларининг ўзаро куч синашиши кўзда тутилган.*

*Яна бир кундан кейин Тошкентда жаҳон чемпионатининг еттинчи гуруҳига кирувчи жамоалар ўртасида бошланадиган саралаш учрашувларига қизиқиш катта. Гап шундаки, бу гуруҳда Ўзбекистон, Туркманистон, Хитой Тайпейи ҳамда Иордания футболчилари ўзаро учрашадилар. Учрашувларнинг МҲСК ўйингоҳида соат 16.00, «Пахтакор» ўйингоҳида эса соат 10.00 да бошланиши мўлжалланган. Шундай қилиб 23 апрелда МҲСКда Туркманистон — Иордания, «Пахтакор»да Ўзбекистон — Хитой Тайпейи, 25 апрелда МҲСКда Хитой Тайпейи — Иордания, «Пахтакор»да Ўзбекистон — Туркманистон ва ниҳоят 27 апрелда МҲСКда Туркманистон — Хитой Тайпейи, «Пахтакор»да Ўзбекистон — Иордания терма жамоалари ўзаро учрашадилар. Такрорий учрашувлар Иорданияда уюштирилади.*

*Мураббийлар яхши ниятда қуйидаги ўйинчилардан бош терма жамоани таркиб топтиришган. Марҳамат, танишинг: дарвозабонлар — П. Бугало, Е.Сафонов, ҳимоячилар — Ф.Давлетов, Б. Ашурматов, С.Лушан, Д. Файзиев, О. Пашинин, А. Дионисев, А. Федоров, ярим ҳимоячилар — М. Қосимов, Н. Ширшов, В. Маминов, М. Қурбонов, Б. Саидкамолов, А. Хвостунов, М. Аҳмеров, Б. Аннаматов, И. Зейтуллаев, ҳужумчилар — У. Исоқов, З. Холмуродов, У. Бақоев, Ж.Ирисметов, А. Акопянц, Г. Георгиев.*

*Футболчиларимизга омад ёр бўлсин, деймиз.*

■ **Анвар САМАДОВ**

## «ЧОРРАҲА» ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

*Ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш транспорт хавфсизлигини таъминлашда муҳим саналади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига бағишланган кўрик-танлов кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Навоий туманидаги Амир Темур номли 4-мактабнинг «Чорраҳа» гуруҳи республика синовидан муваффақиятли ўтди. Мактаб директори Гулчеҳра Саттарова раҳбарлигидаги «Чорраҳа» аъзолари Тошкентда Андижон вилоятининг «Тико» гуруҳи билан баҳслашди. Ўзига хос мусобақада навоийликларнинг қўли баланд келди. «Чорраҳа»нинг бу ютуғига ўқитувчилардан Сами Маъмуров, Худойберди Саттаров, ўқувчилардан Лобар Йўлдошева, Гулмира Шокирова, Озод Маннопов, Озода Сафарова, Ҳусниддин Давронов ҳамда Санжар Неъматовлар зукко ва ҳозиржавоблик билан ҳисса қўшдилар.*

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

## ЯНГИ АСР МАКТАБИ

Наманган шаҳрининг Олвализор даҳасида 50-мактаб учун янги уч қаватли комплекс бино ишга тушди.

— 40 та синф хонаси бор. Спорт зал, ошхона, мажлисхоналарнинг қиёси йўқ, — дейди мактаб директори Ойшахон Абдуллаева чеҳраси гул-гул яшнаб. — Халқ таълими вазирлиги лингафон мажмуаси, 13 та компьютер тақдим этди.

Мактабнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов 325 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарган «Наманганқурилиш» акциядорлик жамияти бунёдкорларига миннатдорчилик изҳор этди. Республика халқ таълими вазири Р. Жўраев шундай мактабни бунёд этиб, 1200 ўқувчини қувонтирган вилоят жамоатчилигини олқишлади.

Дарвоқе, Президентимиз раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги ижроси бошлангандан бери шаҳарда биринчи энг замонавий комплекс мактаб қуриб битказилди.

Диққатга сазоворлиги шундаки, эндиликда вилоятда пешма-пеш қурилиб фойдаланишга топширилаётган замонавий коллеж ва лицейлар қаторига мактаблар ҳам қўшилмоқда.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## «КАПИТАЛ» ИШ БОШЛАДИ

Марказий банкнинг тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси «Капитал» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензия берди ва уни тижорат банкларини рўйхатга олиш давлат китобига қайд этди, деб хабар беради Марказий банк матбуот хизмати.

Устав капитали 100 млн. сўм миқдорида шакллантирилган ва унинг 73 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига таркиб топган янги банкнинг очилиши мамлакатимиз Президентининг «Хусусий акциядорлик тижорат банклари тузишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари талабларининг изчил амалга оширилаётгани тасдиғидир.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги хусусий банклар сони 15 тага етди.

■ **Ўз мухбиримиз**

## ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

**Зомин шаҳри марказида барпо этилаётган Хотира майдони миллий қадриятларимиз, ўтганлар руҳига чуқур ҳурматни ўзида мужассам этган зиёратгоҳ бўлиб қолади.**

**Мажмуанинг умумий майдони 27 гектарни ташкил этган бўлиб, бу ерга ҳашар йўли билан 12 мингга яқин мевали ҳамда манзарали кўчатлар ўтқазилди.**

**— Майдон ўртасида қад кўтариши мўлжалланган Она ҳайкалини зоминлик ҳайкалтарош Ҳайитбой Султонов бошчилигидаги усталар яратишмоқда, — дейди фахр билан туман хокимининг ўринбосари Убайдулла Эргашев. — 9 май — Хотира ва қадрлаш куни очиладиган ушбу зиёратгоҳ нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга иззат-икром кўрсатиш, ватанимиз тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган зоминлик фахрийларни ардоқлаш борасидаги хайрли ишлардандир.**

**СУРАТЛАРДА:** *1.Хотира майдонида қад кўтарадиган Она ҳайкалининг умумий макети. 2. Майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. 3. Моҳир ҳайкалтарош Ҳайитбой Султонов (чапда) ва шогирди Олим Жўрабоев иш устида.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

## BU dunyoning ishlari

### ХАЛҚАРО КОСМИК СТАНЦИЯ

**НАСА ҳамда Италия космик парвозлар агентлиги ҳамкорликда табиий муҳитли Халқаро космик станция (ХКС) қуришга келишиб олишди.**

*Келишув АҚШнинг «Индевор» космик кемаси учирилишидан икки соат олдин бўлиб ўтди. Эндиликда ХКСнинг табиий муҳитли экипажида тўрт америкалик, канадалик ҳамда россиялик учувчилардан ташқари италиялик фазогирлар ҳам бўлишади. Дастлаб АҚШ космик агентлиги ХКСни якка ўзлари қуриш ниятида эди. Аммо экипаж аъзолари сонининг 7 кишигача ортиши харажатлар ошишига олиб келди. Бундай вазият эса АҚШнинг ҳамкорлар қидиришига сабаб бўлди.*

### УЧ ЎЛКАДА АҲВОЛ ТАНГ



**Красноярск ўлкасидаги Канск шаҳарчаси аҳолиси иссиқ сув ва иситиш манбаларидан мосуво бўлишди.**

Шаҳарнинг юз мингдан ортиқ аҳолиси айни кунда танг аҳволда. РИА-НОВОСТИ агентлигининг хабарларига кўра, шаҳар маъмурияти энергиядан йиғилиб қолган катта миқдордаги қарзни қоплаш имкониятига эга эмас. Агарда бу борада бирор-бир келишув йўли топилмаса, яқин кунда боғча, мактаб, шифохоналар ҳамда қатор корхона-ташкилотларнинг фаолияти тўхтаб қолиш эҳтимоли мавжуд. Бу муаммо нафақат Красноярск ўлкасининг, балки Нижний Новгород ва Камчатка аҳолисини ҳам жиддий ташвишга солмоқда.

### ФАЗО БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЯНА БИР ДАВЛАТ



**18 апрель куни Ҳиндистон фазони тадқиқ этувчи мамлакатлар қаторига қўшилди.**

*Бу ерда яратилган GSLV-D1 ракетаси 1.5 тонналик йўлдошни геосинхрон фазо қатламига олиб чиқди. Парвоз Ҳиндистон жанубидаги Шрикарикота космодромида Гринвич вақти билан соат 10.13 да амалга оширилди. GSAT-1 тажриба-алоқа йўлдоши 17 дақиқа ичида фазога чиқиб улгурди.*

*Ҳиндистон ушбу ракетани яратиш учун 10 йиллик вақт ҳамда 305 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлади. Яқинда яна бир синов ракетаси учириш режалаштирилган. Кейинчалик эса Ҳиндистон геосинхрон фазога йўлдошлар учириш бўйича бошқа давлатларга хизмат кўрсатмоқчи. Бу хизмат нархи Россия, Хитой, Франция, АҚШ сингари рақобатчиларникидан 25 фоизга арзон бўлиши кўзда тутилган.*

### ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

**Бундан роппароса олти йил олдин АҚШнинг Оклахома-Сити шаҳридаги кўпқаватли иншоотларнинг бирида содир этилган кучли портлаш 168 оилага қайғу олиб кирган эди.**

Куни кеча америкаликлар ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ҳайкал пойига гуллар қўйишди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу хунрезлик сабабчиси бўлган жиноятчи Тимоти Маквей 16 майда қатл этилади.

**INTERNET хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Руҳий соғлом, маънавий баркамол, тафаккур доираси кенг инсонгина келажакка ишонч билан қарай олади, эртанги кунини белгилайди. Кечаги кунидан бугунги куни мазмунлироқ ва яхшироқ бўлишига ишонади.

Нарпай туман Оқтош миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар лицейи ўқувчилари бу қоидани яхши билишади. Лицейда миллий кийим тикувчи, зардўз, ганч ўймакори, ошпаз, чилангар, ҳисобчи-ЭҲМ оператори, сартарош каби мутахассислар тайёрланади. Ўқувчиларнинг яхши мутахассис, ўз ишининг устаси бўлиб вояга етиши учун лицейда барча шароитлар яратиб берилмоқда. Мунтазам равишда кўрик-танловлар, тадбирлар, мушоиралар уюштириб турилади. Бу эса ўқувчининг нимага қодир эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда 650 га яқин талаба таълим олаётган илм даргоҳида таълим билан биргаликда амалиёт ҳам олиб борилмоқда. Ишлаб чиқаришдан келган махсус мутахассислар касб-ҳунар сирларини ўргатишади.

— Ёш авлодни комил, бахтиёр инсон қилиб тарбиялашда лицей муҳим вазифа ўтайди, — дейди лицей директори Юсуф Бердиев. — Бугунги ўқувчи вақти келиб бирор ишнинг бошини тутади, унинг устаси бўлади. Шундай экан, ёш авлод тарбиясига бефарқ қараш яхшиликка олиб келмайди. Биздаги ҳар бир мураббий-устознинг олдига қўйилган мақсад битта. У ҳам бўлса юртга муносиб юртдошлар тарбиялашдир.

Дарҳақиқат, ана шу истак, ана шу билдирилган ният биз учун, бугунги кун учун жуда муҳим.

■ **Насиба ИСМАТОВА**

*Суратда:*
Лицейда ўтказилган кўрик-танловдан лавҳа.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУПРОҒИ ОЛТИН

- Оллоҳ назар қилган юрт
- Сув билан ҳаводек зарур...
- Германия ва Австрия ишбилармонлари билан ҳамкорлик

**Дунёда мамлакатлар кўп, лекин Ўзбекистонимиз каби табиий бойликлар заҳирасига, бебаҳо маърифий, тарихий меросга эга бўлган давлатлар камдан-кам топилади. Она-Ватанимизнинг минерал хомашё потенциали қиймати 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқ дея баҳоланганги ҳам аслида шундан далолат беради. «Бундай бойлик, бундай замин ҳар кимга насиб этавермайди, — дейди муҳтарам Президентимиз. — Шунинг ўзи ҳам Ўзбекистонимиз Оллоҳ назар қилган юрт эканининг яна бир тасдиғи эмасми?»**

**Мана шу бебаҳо заминнинг энг катта қисми Навоий вилояти ҳудудини ташкил этади ва унда юртимиз салоҳиятини юксалтиришга хизмат этадиган, бошқача айтганда, белимизни бақувват, қадр-қимматимизни баланд, қўлимизни узун қиладиган, одамларимизнинг фаровон турмушига асос бўладиган кўпдан-кўп табиий бойликларнинг улкан заҳиралари мавжуддир.**

**Навоий шаҳридан қарийб ўн чақирим нарида, Малик чўл бағрида жойлашган бизнинг цемент заводимиз дастлаб ҳар йили 2 миллион 300 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган. Ишлаб чиқариш икки технологик йўналишда бажарилган. Ҳар бирининг узунлиги 95 метрдан иборат улкан печлар халқимиз учун сув билан ҳаводек зарур уй-жой қурилиши маҳсулоти ишлаб чиқарган. Ўз вақтида бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланган, албатта.**

**Бугунги кунда эса ҳиссадорлик жамиятида учта замонавий технологик йўналиш мавжуд. Печларнинг ҳар бири бир кеча-кундузда 3 минг тонна клинкерни қайта ишлаш салоҳиятига эга. Корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган, бу эса йиллик ишлаб чиқариш қувватини 3 миллион тоннадан ошириш имконини яратди.**

**Ҳиссадорлик жамиятида ҳозир икки мингдан зиёд ишчи ва хизматчи меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқаришда эса асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Бошқа эҳтиёжталаб қисмлар ҳам Ўзбекистонимизнинг ўз саноат корхоналарида тайёрлаб берилади.**

**Энг асосий хомашё бўлган оҳак ва сланц конлари заводдан 7-10 чақирим нарида жойлашган. Хомашё «БелАЗ» юк машиналарида ташиб келинади ва майдалаш цехининг қозонлари тўлдирилади. Мана шу ерда унга биринчи ишлов берилади, кейин 5 ярим чақирим наридаги завод печларига икки конвейер йўналиш орқали етказиб турилади.**

**Ишлаб чиқаришнинг маҳаллий хомашёга асосланиши тайёр маҳсулот таннархининг арзон бўлишига имкон туғдиради. Тежалган маблағ эса ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг турмуш шароитларини янада яхшилаш учун восита бўлади.**

**Бугунги кунда корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ўртача ойлик маоши 52 минг сўмни ташкил этмоқда. Дам олиш ва даволаш муассасаси, ишчилар ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳи ҳамда ётоқхоналар корхона ишчилари, уларнинг оила аъзолари учун доимий равишда имтиёзли хизмат кўрсатади.**

**Айни пайтда табиий иқлимни экологик нуқтаи назардан яхшилаш, ҳавонинг ортиқча ифлосланишига йўл қўймаслик мақсадида чанг тутувчи энг замонавий янги ускуналар билан корхонамизни тўла жиҳозладик. Ишни янада такомиллаштириш учун 105 миллион сўмга юк ташувчи янги «БелАЗ» машиналарини харид қилдик.**

**Айниқса, янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши самарадорликни ошириб қолмай, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиришни ҳам таъминламоқда.**

**Германиянинг «Мюллер» фирмасида ишлаб чиқилган цементни қадоқлаш тизими ҳиссадорлик жамиятимиз имкониятларини янада кенгайтиришга омил бўлмоқда. Натижада ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулот билан кенг қўламда ишғол этиш имконияти туғилмоқда.**

**Корхонамизда шу йилнинг дастлабки икки ойида 205 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 минг тонна зиёд демакдир.**

**«Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулот юксак сифати учун кўпгина халқаро кўргазмаларда олтин нишонга сазовор бўлмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун заводимиз нафақат ўнгланиш, балки юксалиш сари дадил одимламоқда. Чунки биз ишлаяпмиз, изланаяпмиз, давр билан елкама-елка одимлашга ҳаракат қиламиз. Оёқларимиз тойиб кетадиган беқарор ерда эмас, балки мустаҳкам, барқарор, осойишта замин устида турибди. Мана шу шароитда, тупроғида олтин гуллайдиган мўътабар она-юртда халқимизнинг бахт-саодати учун ёниб ишламаслик мумкинми, ахир?!**

**Ҳозир бизнинг корхонада саккиз турдаги цемент ишлаб чиқарилади. Унинг икки хили сульфатга чидамли бўлган, махсус тайёрланадиган цементдир. Бошқа турдаги маҳсулотларимиз ҳам нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда энг юксак даражадаги цемент сифатида қадрланади.**

**Корхона ўз маҳсулотларини харидорларнинг буюртмасига асосан қадоқлаб беришни йўлга қўйган. Бунда истеъмолчига жўнатилаётган цемент билан бирга унинг маркаси, ишлаб чиқарилган вақти, таркиби ва бошқа зарур маълумотлар ҳамда тегишли тавсиялар илова этилган паспорт қўшиб берилади.**

**Ишлаб чиқариш ва рақобат бозорига чиқишнинг жаҳон андозаларига мос усуллари амалга татбиқ этилиши маҳсулотнинг экспорт қилиш имконларини янада кенгайтирди. Кўпгина хорижий мамлакатларда Қизилқум цементига эҳтиёж ва талабнинг ўсиши шундан далолат беради.**

**Корхонамиз Германиянинг «Сименс», «Шенк», «Крупп», «Крестиан Хфайфер» ҳамда Австриянинг «Семсон» каби энг йирик фирма ва компаниялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Улар билан каолинни бойитиш фабрикаси, ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш заводи, цемент қадоқлаш учун крафт қоплар тайёрлаш корхонаси бунёд этишдек кўламли ишларга киришганмизки, бу борадаги интилишларимиз ниҳоясига етгач заводнинг салоҳияти янада юксалади, айни пайтда юзлаб янги иш ўринлари очилади. Шу билан бирга корхонамиз истиқлолнинг ўн йиллиги муносабати билан вилоят марказида кўламли тус олган бунёдкорлик ва ободончилик ишларига ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқда.**

■ **Ражабали ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Навоий «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси бош директори**

ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши ижроия бюросининг 2000 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот, шаҳар партия ташкилотларининг ХДП дастурий мақсадларини бажариш бўйича галдаги вазифалари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлар гуруҳининг фаолияти тўғрисидаги ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

* * *

Ангрен шаҳар партия кенгашининг навбатдаги пленумида мазкур ташкилотнинг Ўзбекистон ХДП МК III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари Ж. Алиев ва Б. Ханаевларнинг депутатлик фаолиятлари тўғрисидаги, ахборотлари тингланди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ангрен шаҳар ҳокими И. Асатов иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Навоий туман кенгашининг пленумида, «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг III пленуми қарорларини амалга ошириш вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Пленумда Ботир Ахроров ХДП Навоий туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида Навоий тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Эргаш Бердиев иштирок этди.

* * *

Партия ташкилотларининг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши III пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала Қибрай, Янгийўл туман партия кенгашларининг пленумларида ҳам кўриб чиқилди.

* * *

ХДП Тўрақўрғон туман кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ўтказган, йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини бажаришда иштирок этиш масаласига бағишланди.

* * *

Партия Избоскан туман кенгашининг навбатдаги пленумида Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш вазифалари атрофлича муҳокама этилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Булунғур туман кенгашининг пленумида партия ташкилотининг парламентчилик фаолиятини яхшилаш, бошланғич партия ташкилотларининг «Она ва бола йили»даги вазифалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

* * *

ХДП Норин туман кенгаши саъй-ҳаракати билан, 9- касб-ҳунар коллежида 8 нафар ёшлардан иборат бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсата бошлади.

* * *

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши «Оила — жамият таянчи» мавзуида таниқли шоира Турсуной Содиқова иштирокида Наманган шаҳри ҳамда Норин ва Уйчи туман марказларида учрашувлар ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Андижон туман партия кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари орасида ташкил этилган «Энг яхши ўқувчи» кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар туман партия кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# МАҲАЛЛА — МЕҲР МАСКАНИ

*Инсон ўзи туғилиб ўсган, истиқомат қилаётган гўшасини қадрламоғи, ўзига бўлган ҳурмат-эътиборга аввало ўз маҳалласида сазовор бўлмоғи зарур.*

*Тошкентнинг Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалласи ҳам ўз ўтмиши, бугуни, эртасига эга бўлган қадамжолардан бири. Яқинда маҳалла аҳлининг ҳаракати билан «Баҳорга етганлар омон бўлсинлар» номи остида мулоқот ўтказилди.*

*Катта дошқозонларда ош, сумалак тайёрланди. Эрта тонгданоқ Шавкатжон Қосимов раҳбарлигидаги «Астробод» гуруҳининг карнай ва сурнай наволари кишиларни уйғотди. Энг аввало маҳаллани бунёд этган, ҳозирда марҳум Қаюм Ҳакимов, Раҳимхўжа Қорахўжаев, Салим Ҳусанов, Мирҳошим Қосимовлар номи хотирланди. Уларнинг эзгу ишларини давом эттираётганлар Мирҳалил Мираъзамов, маҳалла оқсоқоли Тальат Ибрагимов, Тоштемирхўжа Ибрагимов, Абдураззоқ Азаматов, Фарҳод Ғозиев, Улуғбек Бобобеков, Маъмуржон Умаралиев, Анвар Алманов, Фатхулла Ғанихўжаев, Фурқат Режиметовлар намунали оиласи, маҳалладаги фаолияти алоҳида эътиборга сазовор эканлиги таъкидланди. Мулоқотда ўз уйимизни ўзимиз сақлашимиз, фарзандларимиз тарбиясида бутун маҳалла масъул эканлиги таъкидланди.*

*Бир сўз билан айтганда, «Баҳорга етганлар омон бўлсинлар».*

■ **Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## Тошкентда бўлиб ўтади

V ТОШКЕНТ САВДО - САНОАТ ЯРМАРКАСИ

25-28 апрель кунлари

«Ўзкўргазмасавдо» («Беруний» метро бекати)

Ташкилотчилар — Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси,

Ярмарканинг тайёрланиши ва ўтказилишини Тошкент Халқаро Бизнес Маркази таъминлайди.

Кўп тармоқли кўргазма-ярмаркада Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарларидаги, узоқ ва яқин хорижий давлатлардаги турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, чет эл фирмалари иштирок этишлари мумкин.

Ярмаркада саноат жиҳозлари, халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш воситалари, истиқболли технологиялар, инвестиция лойиҳалари, бўш ишлаб чиқариш майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилиши мўлжалланмоқда.

Ярмаркага барча манфаатдор тузилмалар, юридик ва жисмоний шахслар, унда намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун таклиф этиладилар. Ярмаркада иштирок этиш хоҳишини билдирганлар ярмарка дирекциясига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин: 998 (71) 152-64-58, 152-64-62, 152-64-63. Факс: 998 (71) 152-64-61.


ОЧИҚ ГАПЛАР

# ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

**ЁХУД собиқ туман ҳокими қарори иқтисодиётни эркинлаштиришга тўғаноқ бўлаётганлиги хусусида**

**Маълумки, республикамиз мустақиллигини таъминловчи асосий омиллардан бири ғалла мустақиллигидир. Шунинг учун ҳам юртимизда ғалла етиштиришга давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралади. Бу борада қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, соҳадаги ишлар давлат монополиясидан чиқарилган.**

**Мулкчиликда давлат монополиясига чек қўйиш эса ишлаб чиқаришга эркинлик бериш ва шу орқали аҳолини турмуш даражасини оширишга қаратилгандир.**

**1995 йилда Бухоро вилоятининг Когон туманида ҳам шундай эзгу ният билан хайрли ишга қўл урилди. «Когон-дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг дон қабул қилиш пункти базасида «Олтин хирмон» жамоа корхонаси ташкил этилди. У аслида катта миқдорда давлат маблағлари сарфланиб қурилган. Жамоа корхонасига айлантирилгандан сўнг ҳам Когон тумани хўжаликлари, корхоналари ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган бошоқли дон маҳсулотларини қабул қилиш ва вилоят хўжаликлари учун уруғлик дон етказиб бериш билан шуғулланиб келди.**

**Корхона жамоа мулкига айланган бўлса-да, мижозлар билан фақат республика Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Шунга қарамай, корхона икки йил ичида банкрот ҳолига тушиб қолди. Худди шу вақтда қарзга ботган корхонага Абдурасул Жабборов раҳбар бўлиб келди. Янги раҳбар ишларни тўғри ташкиллаштира билганлиги ҳамда бошоқли дон маҳсулотларини қабул қилишни давлат стандартлари асосида амалга оширганлиги туфайли корхона қисқа вақт ичида оёққа турди. Ҳудуд тўла асфальтланди, техник қуввати оширилди, ёпиқ омборхоналар қурилди.**

**— Лекин корхонада иш бошлаб, ғалла қабул қилишнинг биринчи мавсумидаёқ менга «ишдан бўшанг», деб тазйиқ ўтказа бошлаганди, — деди Абдурасул Жабборов. — Аввалига эътибор бермадим. Шунчаки иш давомида бўладиган мунозараларга йўйдим. Афсуски, шу аҳвол кейинги мавсумда ҳам давом этди.**

**Абдурасул Жабборовнинг магнит лентасига ёзиб олинган таъкидларига қараганда, 2000 йилда мана бундай бўлган:**

**— Мавсум бошланиши олдидан анжуман ўтказилди, — деди у. — Ана шу анжуманда ҳам, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларига юборилган кўрсатмаларда ҳам (2000 йил 22 май) 2000 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини хирмонларда дастлабки тозалаш ва қуритиш ишлари тўлиқ амалга оширилгандан кейин, республика бўйича амалдаги стандартлар талабларига қатъиян риоя қилган ҳолда, уруғлик дон алоҳида, товар дон алоҳида топширилишини ташкил этиш сўралган. Биз буғдойни ана шу талаблар асосида қабул қила бошладик. Мавсумга вилоят ҳокимининг собиқ муовини Рўзимурод Султонов вакил қилиб тайинланган эди. Туманнинг ғалла топшириш режаси бажарилишига бир ҳафта қолганда ўртамизда қаттиқ жанжал чиқди. Улар бизга ифлослик даражаси 27-50 фоизгача бўлган буғдойни қабул қиласанлар, деб туриб олишди. Бош тортганлигимиз учун ҳатто лаборатория ходимларини ҳам тинч қўйишмади. Ғалланинг сифати учун ҳам, миқдори сақланиши учун ҳам қонун олдида жавобгар бўлганимиз сабаб бундай ғайриқонуний талабга бўйсинмадик. Шундан сўнг туман ҳокимлигида ўтган йилнинг октябрь ойида 2001 йилда етиштириладиган ғаллани топшириш бўйича қарор қабул қилинди. Унга кўра, хўжаликларнинг контрактация шартномалари «Когон-дон» ҳиссадорлик жамияти билан тузилди. Шу муносабат билан туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда хўжалик раҳбарлари «Олтин хирмон» корхонасида қарзлари борлигини айтишган. Лекин бу қарзларни тўлашни «Когон-дон» ўз зиммасига олади деганлар. 2001 йилда дон ҳосили «Олтин хирмон»га топширилишига ёрдам сўраб ёзган хатимга туман ҳокими Карим Ҳайитов томонидан ёзилган жавобда ҳам айнан шу фикр қайд этилган.**

**Ваҳоланки, ўтган йилда мазкур корхонанинг ўзи «Олтин хирмон» жамоа корхонасидан 140 миллион сўм қарз бўлди. Когон туманининг қарзи эса 300 миллион сўмни ташкил этган. Шунча қарзни қайси маблағлари ҳисобига тўламоқчи бўлишаётгани эса тушунарсиз. «Когон-дон» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — деди сўзининг давомида А. Жабборов. — Ҳудудида бор-йўғи икки-уч минг тонна дон сақлаш имкониятига эга. Бундан ташқари, корхона шаҳар марказида жойлашган. У ерда аҳоли зич яшайди. Мавсумда эса ҳар куни юзлаб трактор ва «КамАЗ» каби йирик ҳажмли юк машиналарининг шу ердан ўтиши техника хавфсизлигига ҳам зиддир.**

**Бу ўйлаш фикрлар хусусида ҳокимиятда нима дейишар экан, деган ўй билан Когон туман ҳокимлигига бордим.**

**— Мен туманда ҳоким сифатида фаолият бошлаганимга эндигина тўрт ой бўляпти, — деди Карим Ҳайитов. — Туман ҳокимлигининг 2001 йил ғалла ҳосилини «Когон-дон» ҳиссадорлик жамиятига топшириш ҳақидаги қарор эса мендан илгари — ўтган йилнинг ноябрида қабул қилинган. Демак, олти ой бўляпти. Мен ҳозир уни ўзгартирсам халқ нима дейди? Ҳокимиятдагилар беқарор, бугун ундоқ, эртага бундай деб қарор қабул қилаверади, демайдими? Шунинг учун бу йилги мавсумда ғаллани «Когон-дон» қабул қилаверишига келишдик. Қолаверса, кўрсатмага биноан ғаллани марказлаштирилган ҳолда (пахта қабул қилиш пунктларида) жамғариб, қуритиб, тоза қилиб топшириш лозим, дейилган. Лекин туман ҳокимлигининг мазкур қарори ўзини оқламаса, ғалла қабул қилишни яна «Олтин хирмон»га топширавермаймиз.**

**Ҳа, бир ҳужжат хусусида икки хил фикр. Кўрсатма халқ ғамини еб, республиканинг ғалла мустақиллигини таъминлаш мақсадида, унинг исроф бўлишига, талон-торож қилинишига йўл қўймаслик учун юборилган-ку.**

**Марказлаштирилган ҳолда (пахта қабул қилиш пунктларида) деган сўзларнинг қаис ичида беш**

**шундай дейилади:**

***«Когондонмаҳсулотлари» ОТҲЖ ва Когон туман ширкат хўжаликлари ўртасида 2001 йил туманда етиштириладиган 9734 тонна бошоқли донни қабул қилиб олиш тўғрисида контрактация шартномалари тузилган бўлса-да, амалда «Когондонмаҳсулотлари» ОТҲЖ да 5,3 минг тонна бошоқли донни қабул қилиб қуритиш ва бошқа ишловлар бериш учун майдонлар мавжуд.***

***Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, келгусида нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва олдини олиш мақсадида зудлик билан тегишли чоралар кўрилиши талаб этилмоқда.***

***Когон шаҳар прокурори,***
***адлия маслаҳатчиси***
***К.Б. Низомов»***

**Абдурасул Жабборов эса мутахассис. У «Олтин хирмон»га раҳбарлик вазифасига ўтгунича «Когон-дон» ҳиссадорлик жамиятида ишлаган. «Олтин хирмон»нинг келажагини кўра билган, шунинг учун аниқ режалар билан иш тутиб, қарзга ботган қолоқ корхонани илғорлар сафига олиб чиқди. Ҳозир корхона томонидан 2000 йилда хўжаликлар билан тузилган барча контрактация шартномалари бўйича ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб, давлат бюджетига 9,9 миллион сўм солиқ, 10,1 миллион сўм пенсия жамғармасига ажратмалар тўланган. Ҳозирги кунда 2001 йил ҳосили учун туман хўжаликларига 98 миллион сўмлик уруғлик буғдой ва 23 миллион сўмлик 1-транш авансларни берилди. Демак, у тадбиркор мутахассис. Шунинг учун ҳам бизга жўялидек туюлган фикрларини кўпчилик билан ўртоқлашишни лозим кўрдик.**

**— «Когон-дон» билан пахта пунктининг оралиқ масофаси тахминан 15 километрлар чиқади, — дейди у. — Бизда 15 минг тоннагача ғалла қабул қила оладиган 7 гектар майдон донни тозалаш, қуритиш учун махсус омбор туриб, донни пахта пунктида қуритиб тозалаш мақсадга мувофиқмикан? Икки мароталаб транспортга ортиб, туширишда ғалла исроф бўлмаслигига, бунинг устига, шунча масофада талон-торож қилинмаслигига қандай кафолат бор? Ёки, шунча масофада кузатувни ташкил қилиш учун неча нафар ички ишлар ходимлари керак бўлади? Ҳар бир транспортнинг 15 километрга бориб, яна қайтишига қанча ёнилғи сарф бўлади? Бу аҳволда Когон тумани ғалласининг таннархи ўта қимматга тушмайдими?»**

**Шу хусусдаги саволлар билан «Бухородонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Баҳодир Бозоровга мурожаат қилдик. Унинг важоҳати баланд, диктафонни ўчириб қўйишимни қатъиян талаб қилганлигими магнит лентасига ёзиб ололдим, холос.**

**— Нега ахир булар газетага ёзади, — дейди баланд овозда. — «Олтин хирмон» фаолияти давом этяпти. Ҳар ойда 150 тонна ун беряпмиз. Гуруч билан таъминлаб турибмиз, Ғиждувон туманига ҳам дон бермаяпмиз-ку. Нега улар ёзишмайди.**

**Ваҳоланки, «Олтин хирмон» жамоа корхонасига шу йилнинг ўтган уч ойи давомида бор-йўғи 80 тонна ун берилганлиги маълум бўлди.**

**— Бизни эса ҳукумат талаблари асосида иш тутиб, ифлос, нам ғаллани қабул қилишдан бош тортганлигимиз учун жазолашяпти, — деди Абдурасул Жабборов. — Ўтган йилги мавсумда эса худди шундай буйруққа бўйсуниб нам ва ифлослик даражаси юқори бўлган донни қабул қилган Когон туман пахта заводи ва пахта пункти директори ва қабул қилувчиси ҳозир қамоқда ўтириб, қилган жиноятини учун қонун олдида жавоб беряптилар. Корхонамизда 54 нафар ишчи-хизматчиларимиз бор. Уларнинг ўн нафари олий, ўн бир нафари эса ўрта махсус маълумотга эга ва уларнинг барчаси шу соҳа мутахассисларидир. Ҳозирги кунга келиб корхонанинг 54 нафар ходими ишсиз қолиш арафасида турибди. Ваҳоланки, ҳар бирининг оиласи, фарзандлари бор. Ишлаб чиқариш цехларимиз эса хомашё беришмаганидан тўхтаб қолган. Уларни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари очиш устида ишлаётган эдик. Бари ўлда-жўлда қолиб кетди.**

**Ҳа, Когон туман собиқ ҳокимининг биргина қарори билан шунча эзгу ишнинг пайи қирқилди. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида «Муайян товарларнинг сотувчилари ёки уларнинг харидорлари, буюртмачилари сифатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаб қўйиш, ёки уларни бозордан четлатишига қаратилган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) тақиқланади ва белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топилади» дея аниқ ёзиб қўйилган.**

■ **Ислом АҲАД,**
**журналист**

UZBEKISTAN airways

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ 2001 ЙИЛ 21 АПРЕЛГА БЎЛГАН

# ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

## ХАЛҚАРО РЕЙСЛАР

| ЙЎНАЛИШ | Рейс рақами | Бажариш кунлари | Тошкент а/пдан учиши | Манзил а/пга қўниши | Рейс рақами | Манзил а/пдан учиши | Тошкент а/пга қўниши | Ҳаво кемаси русуми |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АМРИТСАР | HY-441 | 1 | 10-00 | 12-50 | HY-442 | 13-50 | 15-40 | Б-757 |
| АМРИТСАР | HY-443 | 2 | 09-50 | 12-40 | HY-444 | 13-40 | 15-30 | Б-757 |
| АМРИТСАР | HY-445 | 5 | 09-20 | 12-10 | HY-446 | 13-10 | 15-00 | Б-757 |
| АМСТЕРДАМ | HY-251 | 2 | 14-50 | 18-40 | | | | А-310 |
| ПАРИЖ | | | 20-00 | 21-00 | HY-252 | 22-25 | 07-55+1 | |
| ПАРИЖ | HY-253 | 5 | 15-00 | 19-15 | HY-254 | 21-00 | 21-50 | А-310 |
| АМСТЕРДАМ | | | | | | 22-35 | 07-50+1 | |
| РИМ | HY-265 | 4 | 04-45 | 08-45 | HY-266 | 10-00 | 12-50 | А-310 |
| АФИНА | | | | | | 14-05 | 21-20 | |
| АФИНА | HY-257 | 1 | 02-55 | 06-40 | HY-258 | 10-00 | 19-10 | А-310 |
| РИМ | | | 07-55 | 08-45 | | | | |
| БАНГКОК | HY-531 | 1,4 (2,5) | 22-20 | 06-20+1 | HY-532 | 07-40 | 12-00 | А-310 |
| БАНГКОК | HY-533 | 3,6 | 10-40 | 18-40 | HY-534 | 20-00 | 00-20+1 | А-310 |
| БАҲРЕЙН | HY-343 | 4 | 18-30 | 20-30 | HY-341 | 22-00 | 03-45+1 | ТУ-154 |
| ДЕҲЛИ | HY-421 | 1 | 23-00 | 02-30+1 | HY-422 | 11-00 | 13-30 | ИЛ-62 |
| ДЕҲЛИ | HY-423 | 3 | 10-00 | 13-30 | HY-424 | 15-00 | 17-30 | Б-757 |
| ДЕҲЛИ | HY-425 | 4 | 07-00 | 10-30 | HY-426 | 12-00 | 14-30 | Б-757 |
| ДЕҲЛИ | HY-427 | 5 (6) | 05-50 | 09-20 | HY-428 | 05-20 | 07-50 | ИЛ-62 |
| ДЕҲЛИ | HY-429 | 6 | 12-00 | 15-30 | HY-430 | 01-30 | 04-00 | ИЛ-62 |
| ДЕҲЛИ | HY-431 | 7 | 04-30 | 08-00 | HY-432 | 12-00 | 14-30 | ИЛ-62 |
| ЖИДДА | HY-313 | 2 (3) | 19-15 | 22-40 | HY-314 | 00-40 | 07-30 | ИЛ-62 |
| КУАЛА-ЛУМПУР | HY-551 | 1 | 20-10 | 06-15+1 | HY-552 | 07-15 | 13-40 | А-310 |
| Дакка орқали | | | | | | | | |

| ЙЎНАЛИШ | Рейс рақами | Бажариш кунлари | Тошкент а/пдан учиши | Манзил а/пга қўниши | Рейс рақами | Манзил а/пдан учиши | Тошкент а/пга қўниши | Ҳаво кемаси русуми |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| КУАЛА-ЛУМПУР | HY-553 | 3 | 10-30 | 22-35 | HY-554 | 23-35 | 03-45+1 | А-310 |
| Дакка орқали | | | | | | | | |
| ЛОНДОН | HY-201 | 2,4,5,7 | 16-35 | 20-00 | HY-202 | 21-15 | 07-50+1 | Б-767 |
| ЛОНДОН | HY-203 | 6 | 10-35 | 14-00 | HY-204 | 15-25 | 03-05+1 | Б-757 |
| ЛОНДОН | HY-205 | 1 | 17-40 | 21-05 | HY-206 | 22-15 | 08-50+1 | Б-757 |
| КИЕВ | HY-101 | 5,7 | 07-35 | 10-10 | | | | Б-767 |
| НЬЮ-ЙОРК | | | 11-40 | 15-30 | HY-102 | 18-00 | 10-25+1 | |
| КИЕВ | | | | | | 12-05 | 18-05 | |
| ОСАКА | HY-525 | 5 | 22-35 | 09-55+1 | HY-526 | 12-00 | 16-25 | Б-757 |
| 27.04 дан | | | | | | | | |
| ПЕКИН | HY-501 | 3,7 | 12-55 | 21-15 | HY-502 | 22-45 | 01-55+1 | Б-767 |
| СЕУЛ | HY-511 | 1 | 22-50 | 09-15+1 | HY-512 | 10-15 | 13-40 | Б-767 |
| СЕУЛ | HY-513 | 3 | 09-55 | 20-20 | HY-514 | 21-50 | 01-15+1 | Б-767 |
| СТАМБУЛ | HY-271 | 4 | 08-55 | 12-05 | HY-272 | 13-35 | 19-55 | А-310 |
| СТАМБУЛ | HY-273 | 7 | 18-00 | 21-10 | HY-274 | 22-40 | 05-00+1 | А-310 |
| ТЕЛЬ-АВИВ | HY-301 | 1,4 | 06-10 | 08-30 | HY-302 | 10-00 | 17-35 | А-310 |
| ТЕЛЬ-АВИВ | HY-303 | 2 | 17-55 | 20-15 | HY-304 | 21-45 | 05-20+1 | А-310 |
| ФРАНКФУРТ | HY-231 | 1,4 | 06-50 | 10-25 | HY-232 | 11-40 | 20-40 | Б-767 |
| ФРАНКФУРТ | HY-233 | 2 | 15-30 | 19-05 | HY-234 | 20-05 | 05-05+1 | Б-767 |
| ШАРЖА | HY-331 | 4 | 11-30 | 14-10 | HY-332 | 15-40 | 20-00 | А-310 |
| ШАРЖА | HY-333 | 7 | 15-40 | 18-20 | HY-334 | 19-50 | 00-10+1 | А-310 |

## МДҲ ШАҲАРЛАРИГА РЕЙСЛАР

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АЛМАТА | HY-761 | 1,3 | 09-40 | 13-20 | HY-762 | 14-20 | 14-10 | RJ-85 |
| | HY-763 | 2,4 | 07-15 | 10-55 | HY-764 | 11-55 | 11-45 | RJ-85 |
| | HY-765 | 5 | 13-55 | 17-35 | HY-766 | 19-05 | 18-55 | RJ-85 |
| | HY-767 | 6 | 19-40 | 23-20 | HY-768 | 00-40 | 00-30 | RJ-85 |
| | HY-769 | 7 | 09-20 | 13-00 | HY-770 | 14-00 | 13-50 | RJ-85 |
| АШХАБОД | HY-771 | 6 | 18-25 | 21-25 | HY-772 | 22-25 | 01-15+ | АН-24 |
| | T5716 | 3 | 07-20 | 09-20 | T5715 | 04-00 | 05-50 | В-737 |
| БОКУ | HY-755 | 2,5 | 10-55 | 14-15 | HY-756 | 15-45 | 18-30 | RJ-85 |
| | ЙК-202 | 6 | 17-45 | 20-05 | ЙК-201 | 10-00 | 12-05 | ТУ-154 |
| БИШКЕК | HY-775 | 1 | 12-00 | 15-00 | HY-776 | 16-00 | 17-10 | АН-24 |
| | HY-777 | 2 | 07-30 | 10-30 | HY-778 | 11-30 | 12-40 | АН-24 |
| | HY-779 | 3 | 10-00 | 13-00 | HY-780 | 14-00 | 15-10 | АН-24 |
| 05.05дан 4,5,6 да | К 262 | 4,6 | 12-00 | 14-20 | К 261 | 09-20 | 09-40 | ЯК-40 |
| ЕКАТЕРИНБУРГ | HY-661 | 4 | 08-40 | 12-30 | HY-662 | 14-30 | 16-10 | ТУ-154 |
| | HY-663 | 1 | 10-45 | 15-00 | HY-664 | 16-40 | 18-35 | RJ-85 |
| | У62962 | 2 | 13-15 | 16-55 | У62961 | 09-00 | 10-40 | ТУ-154 |
| | У62962 | 6 | 15-00 | 18-50 | У62961 | 10-50 | 12-35 | ТУ-154 |
| ЕРЕВАН | P3978 | 6 (5) | 02-15 | 05-45 | P3977 | 21-00 | 00-15+ | ТУ-134 |
| ҚОЗОН | HY-649 | 1 | 10-20 | 13-00 | HY-650 | 15-00 | 19-20 | ТУ-154 |
| | HY-649 | 6 | 10-20 | 13-00 | HY-650 | 15-00 | 19-20 | ТУ-154 |
| | ТЛ 550 | 3 | 16-00 | 18-45 | ТЛ 549 | 10-05 | 14-40 | ЯК-42 |
| ҚАРАҒАНДА | HY-783 | 1 (2) | 22-40 | 02-40 | HY-784 | 04-10 | 04-10 | RJ-85 |
| 04.06дан | | | | | | | | |
| 04.06дан | HY-785 | 3 (4) | 23-00 | 03-00 | HY-786 | 04-30 | 04-30 | RJ-85 |
| КИЕВ | HY-101 | 5,7 (1,6) | 07-35 | 10-10 | HY-102 | 12-05 | 18-05 | В-767 |
| КРАСНОДАР | HY-641 | 6 | 09-00 | 12-00 | HY-642 | 13-30 | 18-05 | ТУ-154 |
| в. б. қ. | HY-643 | 1 | 08-30 | 11-30 | HY-644 | 13-00 | 17-35 | ТУ-154 |
| в. б. қ. | КЛ6308 | 5 (4) | 05-10 | 08-30 | КЛ6307 | 22-30 | 03-40+ | ЯК-42 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| КРАСНОЯРСК | HY-683 | 2 (3) | 14-40 | 21-20 | HY-684 | 00-20 | 01-10 | ТУ-154 |
| | 7Б584 | 1 (7) | 00-10 | 06-45 | 7Б583 | 22-05 | 22-40 | ТУ-154 |
| МОСКВА | HY-601 | ҳар куни | 19-00 | 22-20 | HY-602 | 23-50 | 04-45+ | А-310 |
| (Шереметьево-1) | HY-603 | 2,6 | 07-25 | 10-45 | HY-604 | 12-15 | 17-10 | А-310 |
| МИН.ВОДЫ в.б.қ. | HY-647 | 1 | 10-15 | 12-40 | HY-648 | 14-10 | 18-25 | ТУ-154 |
| Урганч орқали в.б.қ. | HY-645 | 4 | 07-50 | 12-40 | HY-646 | 13-40 | 20-05 | ТУ-154 |
| | МИ6316 | 2 | 19-30 | 21-40 | МИ6315 | 14-00 | 18-00 | ТУ-134 |
| МИНСК | B21876 | 7 (6) | 06-10 | 09-05 | B21875 | 15-15 | 22-00 | ТУ-154 |
| НОВОСИБИРСК | HY-667 | 4,7 | 07-10 | 12-00 | HY-668 | 13-50 | 14-55 | ТУ-154 |
| | HY-667 | 7 | 06-30 | 12-00 | HY-668 | 13-50 | 15-40 | ИЛ-86 |
| ОМСК | HY-679 | 5 (6) | 14-10 | 21-35 | HY-680 | 01-35 | 05-05 | ТУ-154 |
| Андижон орқали | | | | | | | | |
| ПЕРМЬ | 9Д3184 | 3 (2) | 02-00 | 06-15 | 9Д3183 | 22-00 | 00-15+ | ТУ-134 |
| РОСТОВ | HY-637 | 5 | 14-00 | 16-45 | HY-638 | 19-00 | 23-15 | ТУ-154 |
| 03.06 дан | HY-639 | 7 | 11-15 | 14-00 | HY-640 | 16-15 | 20-30 | ТУ-154 |
| | Д9650 | 2 | 20-30 | 00-35 | Д9649 | 14-30 | 19-00 | ТУ-154 |
| САМАРА | HY-653 | 4 | 07-05 | 10-30 | HY-654 | 12-30 | 15-40 | ИЛ-62 |
| | E55342 | 1 (7) | 03-15 | 06-35 | E55341 | 22-30 | 01-45+ | ТУ-134 |
| С.ПЕТЕРБУРГ | HY-631 | 2 | 17-15 | 21-20 | HY-632 | 23-20 | 05-15+ | В-757 |
| 26.05 дан | ПЛ872 | 7 (6) | 01-50 | 05-35 | ПЛ871 | 19-00 | 00-20+ | ТУ-154 |
| СИМФЕРОПОЛЬ | HY-747 | 7 | 08-40 | 11-20 | HY-748 | 13-25 | 19-40 | ТУ-154 |
| ТБИЛИСИ в.б.қ. | A96818 | 6 (5) | 04-30 | 06-30 | A96817 | 23-40 | 03-25+ | В-737 |
| ТЮМЕНЬ | HY-691 | 2 (3) | 14-55 | 22-10 | HY-692 | 04-10 | 09-30 | ТУ-154 |
| Андижон орқали | | | | | | | | |
| УФА | HY-657 | 2 | 16-35 | 20-45 | HY-658 | 23-50 | 01-45+ | ТУ-154 |
| Бухоро орқали | HY-659 | 5 (6) | 15-55 | 22-25 | HY-660 | 00-25 | 04-55 | ТУ-154 |
| ХАБАРОВСК | HY-687 | 2 (4) | 20-00 | 09-30 | HY-688 | 17-00 | 18-50 | ИЛ-62 |
| ЧЕЛЯБИНСК | HY-675 | 4 | 09-10 | 13-00 | HY-676 | 15-30 | 17-15 | ТУ-154 |

## МАҲАЛЛИЙ АВИАЙЎНАЛИШЛАР

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АНДИЖОН | HY-1421 | 5,6,7 | 08-45 | 10-10 | HY-1422 | 10-55 | 12-15 | ЯК-40 |
| | HY-1423 | 1,2,3,4,6 | 11-10 | 12-35 | HY-1424 | 13-15 | 14-35 | АН-24 |
| | HY-679 | 5 (6) | 14-10 | 15-20 | HY-680 | 03-50 | 05-05 | ТУ-154 |
| | HY-1425 | 1,6,7 | 14-20 | 15-45 | HY-1426 | 16-25 | 17-40 | ЯК-40 |
| орқага 1,2,5,6 | HY-1433 | 3 (4) | 14-30 | 15-40 | HY-1434 | 11-15 | 12-25 | ТУ-154 |
| кунлари | HY-691 | 2 (3) | 14-55 | 16-05 | HY-692 | 08-15 | 09-30 | ТУ-154 |
| | HY-1427 | 1,3,4,5,6,7 | 16-10 | 17-35 | HY-1428 | 18-15 | 19-30 | ЯК-40 |
| | HY-1429 | 2 | 18-00 | 19-25 | HY-1430 | 20-05 | 21-20 | ЯК-40 |
| | HY-1431 | 1,4,5,7 | 20-10 | 21-35 | HY-1432 | 06-35 | 07-50 | ЯК-40 |
| БУХОРО | HY-1321 | 3,4 | 07-35 | 09-15 | HY-1322 | 09-55 | 11-25 | ЯК-40 |
| | HY-1323 | 6 | 07-40 | 09-00 | HY-1324 | 09-40 | 10-50 | RJ-85 |
| | HY-1325 | 7 | 09-15 | 11-00 | HY-1326 | 11-40 | 13-10 | АН-24 |
| | HY-1327 | 1,2 | 11-20 | 13-00 | HY-1328 | 13-40 | 15-10 | ЯК-40 |
| | HY-1329 | 1,3,5,6 | 15-55 | 17-35 | HY-1330 | 18-15 | 19-45 | ЯК-40 |
| | HY-659 | 5 (6) | 15-55 | 17-10 | HY-660 | 03-35 | 04-55 | ТУ-154 |
| | HY-1339 | 3 | 17-00 | 18-40 | HY-1340 | 19-20 | 20-50 | ЯК-40 |
| | HY-1337 | 4,7 (1,5) | 17-15 | 18-35 | HY-1338 | 08-20 | 09-35 | ТУ-154 |
| | HY-1331 | 1,5,6 | 18-00 | 19-45 | HY-1332 | 20-25 | 21-55 | АН-24 |
| 30.04 гача | HY-1333 | 2 | 19-30 | 20-50 | HY-1334 | 21-30 | 22-40 | RJ-85 |
| ЗАРАФШОН | HY-1345 | ҳар куни | 06-55 | 08-35 | HY-1346 | 09-15 | 10-40 | ЯК-40 |
| ҚАРШИ | HY-1201 | ҳар куни | 09-35 | 11-10 | HY-1202 | 11-50 | 13-15 | ЯК-40 |
| | HY-1203 | 2,3,4,5 | 14-20 | 15-55 | HY-1204 | 16-35 | 18-00 | ЯК-40 |
| | HY-1205 | ҳар куни | 20-00 | 21-35 | HY-1206 | 07-30 | 08-55 | ЯК-40 |
| НАМАНГАН | HY-1451 | 6 | 07-15 | 08-35 | HY-1452 | 09-15 | 10-30 | АН-24 |
| | HY-1453 | 1,2,4,5 | 07-25 | 08-40 | HY-1454 | 09-25 | 10-35 | ЯК-40 |
| | HY-1455 | 3,7 | 12-20 | 13-35 | HY-1456 | 14-20 | 15-30 | ЯК-40 |
| | HY-1461 | 6 (7) | 14-40 | 15-40 | HY-1462 | 11-15 | 12-10 | ТУ-154 |
| | HY-1457 | ҳар куни | 18-45 | 20-00 | HY-1458 | 20-40 | 21-50 | ЯК-40 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| НУКУС | HY-1001 | ҳар куни | 09-55 | 12-25 | HY-1002 | 13-10 | 15-20 | ЯК-40 |
| | HY-1003 | 2 | 13-55 | 16-25 | HY-1004 | 17-05 | 19-15 | ЯК-40 |
| | HY-1011 | 5 | 16-05 | 18-20 | HY-1012 | 20-20 | 22-00 | ИЛ-86 |
| | HY-1005 | 1,2,4,5,6 | 17-00 | 19-30 | HY-1006 | 20-15 | 22-25 | ЯК-40 |
| | HY-1007 | 3,7 | 17-30 | 19-10 | HY-1008 | 20-20 | 21-50 | ТУ-154 |
| | HY-1009 | 1,2,3,4,5,7 | 20-30 | 23-00 | HY-1010 | 07-00 | 09-10 | ЯК-40 |
| САМАРҚАНД | HY-1301 | 1,3,4,5,7 | 07-15 | 08-30 | HY-1302 | 09-10 | 10-25 | АН-24 |
| | HY-1317 | 2,6 | 07-40 | 08-50 | HY-1318 | 22-20 | 23-30 | ТУ-154 |
| | HY-1309 | 1,3,4,5,7 | 15-20 | 16-35 | HY-1310 | 17-20 | 18-35 | АН-24 |
| ТЕРМИЗ | HY-1151 | 6,7 | 07-25 | 09-15 | HY-1152 | 09-55 | 11-25 | ЯК-40 |
| | HY-1153 | 1,2,4,5,6,7 | 09-30 | 11-20 | HY-1154 | 12-00 | 13-40 | ЯК-40 |
| | HY-1155 | 3 | 12-00 | 13-20 | HY-1156 | 14-30 | 15-45 | ТУ-154 |
| | HY-1157 | 1,4,5 | 12-10 | 14-00 | HY-1158 | 14-40 | 16-20 | ЯК-40 |
| | HY-1159 | ҳар куни | 14-35 | 16-25 | HY-1160 | 17-05 | 18-45 | ЯК-40 |
| | HY-1161 | ҳар куни | 19-30 | 21-20 | HY-1162 | 07-00 | 08-40 | ЯК-40 |
| УРГАНЧ | HY-1051 | 3,4,5,6,7 | 07-15 | 08-55 | HY-1052 | 09-35 | 11-05 | RJ-85 |
| | HY-1053 | 1,2 | 08-30 | 10-50 | HY-1054 | 11-30 | 13-35 | ЯК-40 |
| | HY-749 | 5 | 08-30 | 10-00 | | | | ИЛ-62К |
| | HY-1057 | 2,3 | 12-30 | 14-10 | HY-1058 | 14-55 | 16-25 | RJ-85 |
| | HY-1059 | 1,4,5,6,7 | 13-55 | 16-15 | HY-1060 | 16-55 | 19-00 | ЯК-40 |
| | HY-1061 | 6 | 16-10 | 18-40 | HY-1062 | 19-20 | 21-30 | АН-24 |
| | HY-1063 | 1,2,3,7 | 17-45 | 19-25 | HY-1064 | 20-05 | 21-35 | RJ-85 |
| | HY-1065 | 4,5 | 19-30 | 21-10 | HY-1066 | 21-50 | 23-20 | RJ-85 |
| ФАРҒОНА | HY-1401 | 1,4,5,6 | 07-20 | 08-40 | HY-1402 | 09-20 | 10-35 | 2АН24 |
| | HY-1403 | 2,3,4,5,6,7 | 11-20 | 12-30 | HY-1404 | 13-10 | 14-25 | ЯК-40 |
| | HY-1413 | 1 (2) | 13-45 | 14-45 | HY-1414 | 10-05 | 11-05 | ТУ-154 |
| | HY-1405 | 2,4,5,6,7 | 14-00 | 15-20 | HY-1406 | 16-00 | 17-15 | АН-24 |
| | HY-1407 | 2,3,7 | 18-00 | 19-20 | HY-1408 | 20-00 | 21-15 | АН-24 |
| | HY-1415 | 4 (5) | 18-45 | 20-00 | HY-1416 | 23-20 | 00-25+ | ТУ-154 |

☑ ЖАДВАЛДА УЧИШ ВА ҚЎНИШ МАҲАЛЛИЙ ВАҚТ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛГАН.

☑ ЖАДВАЛГА ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛИШИ МУМКИН.

**БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ:** Авиачипталар борлиги ҳақида маълумотнома: 066.

Халқаро йўналишлар бўйича маълумотнома: агентлик 56-38-37, аэропорт 54-99-19. Авиачипталарни офис ва уйга етказиб бериш: 152-27-90.

# ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПМОҚ БАХТИ

**(ОЧЕРК)**

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан эътиборан ҳаётнинг кўпгина тармоқларида ЭҲМ қўлланила бошланди. Ҳатто гуманитар фанларда (филологик тадқиқотларда) ҳам.

Ўзбек тилшунослигида «Тилшуносликка математик методнинг қўлланишига доир», «Тил ва машина (ЭҲМ)», «Тил ва техника», «Машина (ЭҲМ) таржима қилади», «Машина луғат тузади», «Тилшунослик ва кибернетика» каби мақолалар ва рисолалар муаллифи Суннатулла Абдуманноф ўғли Ризаевдир.

Ниҳоят, Суннатулла ака билан учрашдим. Айни муддао. У тўғрисида кўп эшитганман, ёзмоқчи эдим. Суҳбатимиз қизигандан қизиб борарди. У гап орасида онаси айтиб берган воқеани эслади.

## ОИЛА ҚУВОНЧЛАРИ

Ўша куни Марҳамат ая ҳаяжонланганидан ўзини қўярга жой тополмас, гоҳ биқирлаб қайнаётган самовар қопқоғини кўтариб кўрар, гоҳ дастурхонга кўз югуртирарди. Унинг юраги қувончга тўла. Турмуш ўртоғига юзланиб:

— Адаси, самоварга бироз ўтин майдалашворинг, — эндигина ишдан келган Абдуманноф акадан илтимос қилди у.

—Ишдан чарчаб, очиқиб келдим, бир оз тамадди қилиб олай. Ўзинг ҳам очиқиб қолган бўлсанг керак, кел бир оз...

— Суннатуллани ўйлаяпман адаси. Ахир, у олим бўламан деб жуда қийналиб кетди. Мақсадига-ку эришди, лекин соғлиғини йўқотди. Вақтида оби-овқатидан хабардор бўлмасам...

Она-да, фарзанди учун қайғуради. Она меҳри қуёшдан кучли. Абдуманноф ака унга ҳаяжон билан қараб қўйдида, ҳеч нарса демади.

Суннатулла шу оиланинг кенжа фарзанди. У 1970 йили «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг график ва фонологик системасини ЭҲМ ёрдамида статистик тадқиқ этиш» мавзуи бўйича фан номзоди бўлди.

Марҳамат ая илм соҳиби бўлиб, у илмий иш қилишнинг нечоғли мушкуллигини Абдуманноф акага нисбатан кўпроқ тушунарди: 20-30 йилларда Тошкентда хотин-қизлар орасида саводсизликни тугатиш курсларида дарс берди, араб ва лотин алифбоси ҳамда ёзувини ўзи ҳам пухта ўрганган эди-да. Мактаблар лотин ёзувига ўтганда, уни, аввало, ўзи ўрганди, сўнг билганларини бошқаларга ўргатди. 1940 йили рус графикасидаги ўзбек алифбосига ўтилганда, уни ҳам тезда ўзлаштириб олиб ёшларга, аёлларга таълим бера бошлади.

Марҳамат ая илмли оиланинг фарзанди эди. Унинг отаси Шомунаввар Қори Мирафзалов одамларга меҳрибон, ғамхўр киши бўлган. 20-йиллари билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни таҳсил олишга даъват этган.

Бу ҳақда пойтахтлик қариялар, илм аҳли яхши билади. Ҳужжатлар ҳам бор... Фарзандлари улар етмаган орзуларга эришган. Шу хонадоннинг азиз фарзандларидан бири Назрулла ака эса меҳнат фахрийси. У ота касбини ардоқлади. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи. Ҳозирда эса Назрулла Абдуманноф ўғли пенсия ғаштини сураётган табаррук отахонлардан бири. Бу оила фарзандлари ҳақида, уларнинг ишлари ҳақида матбуотда кўп ёзилган.

Бу оилада камол топган саккиз фарзанд (тўрт ўғил ва тўрт қиз)нинг ҳар бири хонадонида хотиржамлик. Абдуманноф ота ва Марҳамат ая шуни кутишганди.

Эндиги ўйларим Суннатулла ака хусусида.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти, филология фанлари номзоди Суннатулла Ризаев шу серфайз хонадоннинг энг кенжа фарзанди. Унинг болалиги ва ёшлиги оғир уруш йилларига тўғри келди. Қаҳатчилик қурсин. Лекин у китоб билан дўстлашди. Илмдан бахт топишига ақли етди. Интилувчан, тиришқоқ Суннатулла сал бўш вақт топдими китоб ўқирди. Фикрларди. Орзуларини парваришларди.

Интилганга толе ёр, деганларидек, ҳаракатлар зое кетмади...

У Тошкент шаҳридаги 41-ўрта мактабни битириб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирда университет)нинг тарих-филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1964 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, ҳаётга йўлланма олди. У олий билимгоҳда — талабалик давридаёқ ўткир зеҳни, қобилияти, қатъияти ва тўғри сўзлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ундаги ана шу фазилатларни пайқашган фахрий олимлардан: профессорлар М. Юсупов, С. Тулеқулов, М. Тошмуҳаммедов, А. Азизова, С. Усмонов, И. Ҳусанхўжаев, Ҳ.Ҳомидийлар унга алоҳида эътибор билан қарашди. Илм — игна билан қудуқ қазишга қиёс қилгудек. Ирода, қунт, изланишни севади. Суннатулла бу фазилатлар мужассам эди. Ниҳоят, у кўзлаган ниятига эришди.

— Менда илмга бўлган иштиёқни оширишда салмоқли ҳисса қўшган устозларимни умрбод унутмайман, — дейди Суннатулла Ризаев.

Эсимда, ўшанда иккинчи курсда ўқирдим. Олима Аминахон опа Азизова биринчилардан бўлиб, менга ўзбек ва рус тилшунослигига оид адабиётларни мустақил мутолаа қилишни уқтирди. Бир куни у тилшунослик фанига ҳавасмандлигимни филология фанлари доктори, профессор Саидзода Усмоновга сўзлаб берган экан. У киши менга «Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг модал формасини ясовчи аффикслар» деган мавзуда илмий иш қилишимни маслаҳат берди...

Суннатулла Ризаев олий билимгоҳни тугатиши билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тилшунослик ва Адабиётшунослик (собиқ А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт) институтининг «Ўзбек тилини экспериментал ва структурал ўрганиш» бўлимида дастлаб катта лаборант, сўнгра кичик илмий ходим бўлиб ишлай бошлади. 1968 йилда «Структурал, амалий ва математик лингвистика» ихтисослиги бўйича аспирантурага қабул қилинди. 1970 йилда аспирантурани муддатидан олдин тугатиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. (Бу ўзбек тилшунослигида республикамизда филолог тилшунос ва математик олим оппонентлигида ҳимоя қилинган дастлабки диссертациялардан бири эди). Бу соҳадаги билимларини 20 йил давомида Тошкент давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи (ҳозирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети)да талабаларга бахш этди. Суннатулла ака Халқ таълими вазирлигида «Тил ва адабиёт» бўлими мудири лавозимида ҳам, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири лавозимида ҳам, лотин алифбоси ва имлоси бўлими мудири лавозимларида ҳам сидқидилдан меҳнат қилди. Ҳозирда эса Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Янги ўзбек лотин алифбоси ва имлоси» курсидан амалий машғулотлар ҳамда «Нутқ маданияти асослари» курсидан эса маърузалар ўқимоқда ва семинар машғулотларини олиб бормоқда. ТДИУ «Иқтисодчи» газетасининг бош муҳаррири лавозимида ҳам астойдил ишлаб келмоқда.

## ИЛМИЙ ГУЛДАСТАЛАР

Унинг юраги ҳамиша изланиш, янгилик яратиш йўлида тинимсиз уради. Ўтган давр мобайнида олимнинг «Ҳозирги ўзбек тилида ҳарф ва фонемаларнинг қўлланиш частотаси», «Тилшуносликда математик методнинг қўлланишига доир», «Яхши сўз — қалб кўзгуси», «Нутқ маданияти ва одоби», «Ўзбек тилида бўғиннинг статистик структурасини ўрганиш тажрибасидан», «Тилшунослик ва кибернетика», «Ўзбек болалар адабиёти тилининг частотали луғати», «Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести тилининг частотали луғати», «Ҳ. Ҳ. Ниёзий «Девон»и тили лексикасининг статистик структураси» (Частотали луғат ва конкордане), «Иш қоғозларининг айрим намуналари», «Испанча-ўзбекча луғат» (ҳамкорликда), «Испанча-ўзбекча-русча сўзлашгич» (ҳамкорликда), «Яхши исм — инсонга ҳуси», «Имло луғати» каби қатор китоб ва рисолалари фикримизнинг далили эмасми?!

Суннатулла Ризаев ўз ҳамкасб устозлари ҳақида ҳам бир қанча адабий портретлар яратган. Ахир, устозлар олдида шогирдлар ўз қарзини узиши шарт. Илья Киссен, Аюб Ғуломов, Шоназар Шоабдураҳмонов, Қолдибой Бектаев, Иномжон Расулов, Маъсуда Ҳожимова, Солиҳ Муталлибов, Ғани Абдураҳмонов, Назрулла Бекназаров, Зокир Маъруфов ҳақидаги асарлар унинг қаламига мансубдир.

Халқимизда «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади», деган нақл бор. Суннатулла Ризаев эзгу ният билан ажойиб боғ яратмоқда. Унинг севимли шогирдлари бу боғнинг асл меваларидир. Баҳодир Ҳусанхўжаев, Саидамин Мусахўжаев сингари ёш олимлар Суннатулла Ризаевнинг илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ёқлашди.

Ҳозирда Суннатулла Ризаевнинг «Ҳозирги ўзбек тилида сўз структурасини лингвостатистик тадқиқ этиш» (Амалий тилшунослик муаммолари) деган мавзудаги монографияси нашрга тайёрланмоқда.

Унинг яна бир ижодий қирраси бор. Бу — мухбирлик. Республика газеталарида долзарб мавзуларда ўз мақолалари билан фаол қатнашиб келади. Ҳозиргача олимнинг 350 дан зиёд мақолалари чоп этилган.

Унинг библиографиясига оид материалларда эса алоҳида 282 номда илмий, илмий-оммабоп, методик ва маънавий-маърифий ишлари ҳамда 35 та китоб ва рисолаларга муҳаррирлик қилганлигининг гувоҳи бўласиз.

## ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИ

— Касбдошларим кўпинча мендан «Сиз ҳам биз каби йилига 800-850 соат дарс берасиз-у, қандай қилиб китоблар ёзасиз, журнал ва газеталарда мақолалар ёзишга улгурасиз? Буларга қандай вақт топасиз?» — деб сўраб қолишади. Шунда мен уларга: «Вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Кўпинча эрта наҳорда вақтли туриб ишлайман», — деб жавоб бераман.

У истиқомат қиладиган Ойбек номидаги маҳаллада (дастлаб алоҳида Ҳамид Олимжон номидаги коттеж-маҳалла эди) биронта тўй-маърака йўқки, Суннатулла Ризаев фаол қатнашмаган бўлса?! Маҳалланинг фаолларидан у.

Ёдида, 1979 йили Акмал Икромов тумани Бешқайрағоч мавзесида барпо этилган коттежларни бирлаштириб маҳалла ташкил этиш ва унга ном бериш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бу ишни бажаришни Суннатулладан илтимос қилишди. У одамларни йиғди, маҳаллага ном қўйиш, тадбирларни режалаштириш, маросимларда асқотадиган асбоб-анжомлар жамлаш сингари ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Ҳаракатлари бесамар кетмади, янги коттеж-маҳалла ташкил этилди. Унга Ҳамид Олимжон номи берилди (Ўша вақтларда маҳалланинг очилишида, яъни табиат ва бахт куйчиси, шоир Ҳамид Олимжон таваллуд топган кунда адабиётшунос олимлардан профессорлар Иззат Султонов, Наим Каримов, доцент Мамасодиқ Ҳусаиновлар ўз маърузалари билан фаол иштирок этганлар). Маҳалла раиси, ишбилармон ва ташкилотчи Суннатулла ака ташаббускорлигида ўтказилган мазкур тадбир йиғилиш қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирган.

— Суннатулладан беҳад миннатдормиз, — дейди маҳалла фаоллари. — Маҳалла қўмитаси ишини йўлга қўйишда, Саид Ваққос қабристонидаги хилхонани обод этишда, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат тахтаси уюштиришда ва бошқа ишларда бизга кўп ёрдам берди.

С. Ризаевнинг республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосининг жорий этилиши munosabati билан кўрсатаётган ташаббускорлиги, ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги мутахассис олимлар, амалиётчилар, жамоатчилик диққат-эътиборини жалб этмоқда. Янги алифбо ва имлони ҳаётга татбиқ этишда нафақат университетда, балки бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий тадқиқот институтларида, малака ошириш курсларида ҳамда матбуот саҳифаларида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айниқса, С. Ризаевнинг ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганишга тааллуқли дастур ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллари таълим тизимининг барча бўғинларида кенг фойдаланилмоқда. «Лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганиш бўйича курс дастури», «Ёзув дафтари», «Расмли алифбо», «Ёзув дафтари»дан фойдаланишга доир методик тавсиялар», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси» (График қўлланма), «Ҳадис»дан 70 намуна», «Ҳарфлар нима дейди?», «Кесма ҳарфлар ва математик ишоралар», «Қалдирғоч», «Совға» номли синфдан ташқари ўқиш китоблари, «Имло ва талаффуз луғати», «Янги алифбодан сабоқлар» каби ўқув қўлланмалари билан бир қаторда «Лотин алифбоси ва имлосини ўрганувчилар учун мухтасар қўлланма» ва русийзабонлилар учун «Изучаем латинскую графику узбекского языка» (1998 ва 2001 й.) қўлланмаларидан олий таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳамда умумий ўрта таълим ўқувчилари ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Инсониятнинг баркамол бўлиб етишувида маънавий-маданий манба жавоҳирларидан бири ҳисобланган, ҳар бир чораги 192 саҳифали «Мусулмонлар тақвим китоби» (7 та китоб) ни тузувчиларидан бири ҳам Суннатулла Ризаевдир.

С. Ризаевнинг янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганишга доир яратган ўқув мажмуаси (Дастур, ўқув қўлланма, дарс соатларини режалаштириш, методик тавсиялар, кўргазмали қуроллар) шу куннинг энг муҳим ва долзарб қўлланмаси ҳисобланади. Чунки янги алифбо ва имлонинг қисқа муддат ичида тез ва осон ўзлаштириб олиниши республикамиз аҳолисини янги ўзбек алифбоси ва имлоси бўйича саводхонлигини таъминлашга яқиндан кўмаклашади.

С. Ризаев — оилали, 6 фарзанд (5 қиз ва 1 ўғил) нинг ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли. Тўрт фарзанд ота-она касби изидан бориб ўқитувчи бўлиб ишлаяптилар. Ҳозирда Суннатулла Ризаев 15 набиранинг табаррук бобоси.

1997 йилдан «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси», 1998 йилдан «Халқ таълими фидойиси»дир.

Тилшунос олим, камтарин инсон ва моҳир педагог С. Ризаев республикамизда таълим тизимини ривожлантиришда, талаба-ёшларга билим ва тарбия беришда, касб маҳоратини ўргатишда, уларни миллий мафкура, халқимизнинг асрий анъаналари ва қадриятларига садоқат руҳида ҳамда ғоявий баркамол ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашда, жамоат ишларида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Маълумки, 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинган эди. Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра «Оила йили» муносабати билан оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий асосларини ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар туманларидаги оилаларнинг «Бахтли оила» кўрик-танловлари ўтказилган эди. Бунда Миробод туманидан иштирок этган Турсунбой ва Ҳакима Рашидовлар оиласи «Шаҳримиздаги энг бахтли ва намунали оила» деб топилиб, биринчи совринли ўринни эгаллаган. Шу оиланинг кенжа келини — Ниҳола Рашидова (Ризаева) ҳам Суннатулла аканинг бешинчи фарзандидир.

... Биз баҳоли қудрат ҳикоя қилган ташаббускор жамоатчи, изланувчан олим, ҳаётда ўз ўрнини топиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган саховатли инсон — Суннатулла Ризаев турмушда нимаики қўлга киритган бўлса, фақатгина ҳалол меҳнати, сергайратлилиги, интилувчанлиги, ширинсуханлиги билан эришди.

Ижодий фаолиятининг қирқинчи йили давом этаётган айни шу кунларда Суннатулла ака олтмишинчи баҳорни қаршиламоқда. Илм-ижоднинг нурафшон сўқмоқларини зинама-зина босиб ўтиб, тил илмининг нурли довонларини эгаллаган, изланувчан олим, камтарин инсон ва моҳир педагогга янада улкан ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

■ А. СУЮНОВ


MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION

CENTER OF SECONDARY SPECIALIZED AND PROFFESIONAL EDUCATION

OPEN SOCITY INSTITUTE - UZBEKISTAN

Is pleased to announce a contest for participation in the

**SUMMER CAMP**

For English Language Teachers of Secondary Schools, Lyceums and Colleges

The intensive one-week language development and ELT methodology-training course will be help from *June 4 till June 13.*

Eligible candidates

- English language teachers of secondary schools, lyceums and colleges with at least two years of professional experience.
- Candidates must be teachers who intend to teach for a period of 5 more years
- Candidates must be under 45 years of age

**Interested applicants should fill out Application Forms and attach**

- Reference from the work-place certifying the duration of employment
- Statement of purpose written in English (not longer than 1 page)
- Letter of recommendation
- Sample demonstration lesson

**Applications should be submitted to the Open Society Institute no later than May 7th**

For Application Forms and additional information please contact OSI-Uzbekistan at:

31 Zarbog Street, Tashkent 700031 (near hotel Rossia)

Tel/fax: (371) 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16

E-mail: natasha@osi.uz / svetlana@osi.uz

**http//www.osi.uz**



**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, савдолар 2001 йил 22, 30 май кунлари соат 11⁰⁰ да республика Биржалар Марказида ўтказилади.**

**Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объекти ва автотранспорт воситаси қўйилади:**

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 331-уйда жойлашган Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 4 қаватли, 600 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси.

Умумий майдони, хўжалик қисми билан бирга — 7953,2 м².

**Бошланғич баҳоси — 56 290,7 минг сўм.**

2. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қарашли, «ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 10 АО 314, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси — 520,442 минг сўм.**

Мазкур кўчмас мулк объекти ва автотранспорт воситасига қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Республика Биржалар Маркази биноси, 3-қават, 44-хона. Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Мурожаат учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Ички — 153. Факс: 136-06-17.**


*Туғилган кун*

## КИМ? ҚАЧОН?

**23 АПРЕЛЬ**

**Сабохон РЎЗИБОЕВА** — ЎзХДП Учқўрғон туман кенгаши котиби
**Зохир АЪЛАМОВ (1943)** — ёзувчи
**Лазиз ҚАЮМОВ (1930)** — филология фанлари доктори, профессор
**Ёдгора ЗИЁМУҲАММЕДОВА** — Республикада хизмат кўрсатган артист

**24 АПРЕЛЬ**

**Ўрол ЎТАЕВ (1950)** — журналист
**Музаффар ШОДИЕВ (1974)** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

**25 АПРЕЛЬ**

**Ҳамид ҒУЛОМ (1925)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Ғаффор ҲОТАМОВ (1953)** — журналист, ёзувчи
**Муфаззал КАРИМОВА** — Андижон вилоят мусиқали театри актёри
**Шарофиддин ЮСУПОВ (1945)** — Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби
**Файзирахмон УСМОНОВ (1947)** — кинокартина директори
**Сафар ОЛЛОЁРОВ (1969)** — журналист
**Азамат ТЎХТАЕВ (1946)** — академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор

**26 АПРЕЛЬ**

**Муҳаммад ЮСУФ (1954)** — Ўзбекистон халқ шоири
**Жамол КАМОЛ (1938)** — Ўзбекистон халқ шоири
**Рафиқ МУХТОРОВ (1948)** — ёзувчи
**Севара ТУРСУНОВА** — тележурналист

**27 АПРЕЛЬ**

**Шариф БАРАТОВ (1950)** — «Баҳор» рақс дастаси созандаси
**Шомаҳмуд МУҲАММАДЖОНОВ (1954)** — мусаввир

**28 АПРЕЛЬ**

**Сайёра ТЎЙЧИЕВА** — шоира
**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ (1951)** — журналист

**29 АПРЕЛЬ**

**Игорь ШКВИРИН (1963)** — футболчи, Осиё ўйинлари чемпиони
**Акмалжон ИКРОМЖОНОВ (1952)** — Ўзбекистон халқ рассоми
**Ҳусан РЎЗМЕТОВ (1931)** — ёзувчи

*Табриклаймиз, қутлаймиз!*
*??? 133-12-56 !!!*
*Кўнгироқларингизни кутамиз.*

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти томонидан 1991 йил 28 июнда Абдуғаффор Абдуқодирович Турсунов номига берилган ФВ № 906248 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, партиянинг республика парламентидаги фракцияси аъзоси С. Солиевга ўғли

**Элмурод СОЛИЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси нашриёт ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси

**Раззоқ ЖАББОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси нашриёт ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси

**Раззоқ ЖАББОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги «Ўздавурғназоратмарказ» жамоаси бош директор ўринбосари Эшпўлат Норқуловга волидаи муҳтарамаси

**Зулфия она РУСТАМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR**

**Azim SUYUN**

**MUASSIS:**

ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BOLIMLAR:**

*Siyosat va huquq — 133-44-55*
*Iqtisodiyot — 133-76-04*
*Ma'naviyat — 133-07-20*
*Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16*
*Axborot — 133-12-56*
*Kotibiyat — 133-72-83*
*Reklama va elonlar — 133-47-80, 133-38-55*
*Faks — 133-73-43, 133-06-83*

**Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.**

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

*Andijonda — 25-16-16;*
*Buxoroda — 222-10-92;*
*Gulistonda — 25-03-80;*
*Jizzaxda — 5-49-85;*
*Navoiyda — 3-39-20;*
*Namanganda — 6-43-43;*
*Nukusda — 222-70-12;*
*Samarqandda — 35-20-54;*
*Toshkentda — 136-53-16;*
*Urganchda — 226-51-35;*
*Fargonada — 26-43-62;*
*Qarshida — 4-61-35;*
*Termizda — 3-79-98.*

**MANZILIMIZ:**

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Tursunali O'RMONOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

*Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qomitasida 00004-ragam bilan ro'yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

*Hajmi 2 bosma taboq.*

«Ozbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi —* 22.20

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA